

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 184 (10.239)

2004 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жаноби олийларига

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистонга яқинда амалга оширилган таърифим чоғида Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукумати кўрсатган самимий меҳмондўстликдан бағоят мамнун бўлдим ва бунинг учун чин қалбдан ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Мен, шунингдек, янги ўзбек бўйлаб сафарим бошида Ўзбекистонга таъриф буюрганим ва вақтингиз тизимлигимга қарамай Сиз Жаноби Олийлари билан мазмуни мулоқот ўтказганимдан беҳад хурсандман.

Бу галги таъриф давомида Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида бўлиб, Сиз Жаноби Олийлари ва кўпгина расмий кишилар билан учрашдим. Фурсатдан фойдаланиб, япон-ўзбек муносабатларини дўстлик ва стратегик ҳамкорлик асосида ривожлантириш юзасидан фойдали фикр алмашиш имконияти учун ўз миннатдорлигимни изҳор этмакчиман. Мен мустақилликка эришгач Ўзбекистон ҳукумати-нинг давлат қурилишига йўналтирилган саясий-ҳаракатларини оқшайламан. Зотан, Ўзбекистон ўз йўлида кўп қўл қўйинчиларни энгиб ўтишига тўғри келди. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Япония бундан буён ҳам турли соҳаларда яқин ҳамкорлик тизимини мустаҳкамлашлари зарур. Бундан ташқари, мен Марказий Осиё минтақаси барқарорлиги ва тараққиёти, шу жумладан, кўшни Афғонистон тинчлиги бўлган Евроосиё барқарорлиги ва тараққиёти учун гоят муҳимлигини чуқур англаб етдим.

Марказий Осиё бўйлаб сафаримнинг биринчи кунини мен Тошкентдаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида сиёсий маъруза қилдим ва фикримча, Япониянинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари ва халқаро ҳамжамиятга нисбатан янги сиёсатини ошқор қилиш жуда фойдали бўлди.

Ўзбекистон саясий-ҳаракатлари натижасида Япониянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларида тарихий воқеа саналган «Марказий Осиё+Япония» мавзусида минтақа таъқиқ ишлар вазирларининг учрашуви муваффақиятли бўлиб ўтди. Мен мамлакатингизнинг кўмаги ва ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этмакчиман ва бошланган мулоқотни давом эттиришда Сизнинг кўмагингизга таянман. Ушбу таъриф чоғида мен Марказий Осиёнинг ҳар бир мамлақати изчил тараққиётга йўналтирилган ўзаро минтақавий ҳамкорликдан чуқур манфаатдор эканига яна бир бор амин бўлдим.

Мен бундан буён ҳам ўз саясий-ҳаракатларимни икки томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва «Марказий Осиё+Япония» мулоқотини ривожлантиришга сафарбар этмакчиман.

Мақтубим якунида Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса юксак тараққиёт тилашга илҳом бергайсиз.

**Чуқур эҳтиром ила,
ЭРИКО КАВАГУЧИ,
Япония ташқи
ишлар вазири**

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов-га Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Суҳроб Хусайн 22 сентябрь кунини Оқсаройда ишонч ёрлигини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Бангладеш муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Янги лавозимга тайинлангани муносабати билан элчини кутлаб, юртимизда бошланган миссиясини ба-жаришда муваффақиятлар тилади.

Бангладеш элчиси самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Шу кунини Президент Ислон Каримов Япониянинг Ўзбекистон Республикасидagi Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ючино Кусумотодан ишонч ёрлигини қабул қилиб олди. Ўзбекистон билан Япония - стратегик ҳамкор давлатлар. Япония юртимизда амалга оширилган кенг қўламли илҳомларда, улкан лойиҳаларда фаол қатнашиб келмоқда.

Учрашувда икки томонлама муносабатларимизнинг салмоқли ҳуқуқий асоси яратилгани таъкидланди.

Президент Ислон Каримов Япония элчисининг Ўзбекистондаги фаолиятига муваффақият тилади.

Ю.Кусумото Ўзбекистон-Япония муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти туғилганидан мамнуният изҳор этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов-га Исроил Давлатининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Эммануэль Мель ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Ўзбекистон-Исроил муносабатлари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда айниқса жадвал ривожланмоқда.

Президент Ислон Каримов Ўзбекистон-Исроил ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Исроил элчиси самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этди.

ЎЗА

XXI сағоси

Барча маълумотлар
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ўтказилмоқда. Ҳафталик доирасида ташкил этилаётган барча тадбирлар Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация технологиялари бозори қатнашчиларининг саясий-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган.

● Кеча Оққўрғон шаҳридаги 6-мактабда шаҳар худудидagi 4 та мактабда таъмирлаш ишларининг якунланганлигига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки мактаблардаги таъмирлаш ишлари «Таълим сифатини ошириш» лойиҳасининг қўллаб-қувватлаши остида ҳамда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури доирасида амалга оширилди.

● Олтинқўл тумани пахтакорлари қайта ишловчиларни 8515 тонна қимматбахона санат хом ашёсига етказиб бериб, уруклик пахта тайёрлаш режасини ортиси билан уддаладилар.

● Булунғур туманида қозоғистонлик ҳамкорлар билан биргаликда «Арко-Булунғур» қўшма корхона ишга туширилди. Янги корхона ширкат ва фермер ҳужжаликларида етиштирилган қишлоқ ҳужжалик маҳсулотларини қабул қила болади.

● Асакалик Нейматулло Маърупов Қирғизистон пойтахти Бишкекда имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказилган «Бўёқларнинг гаройиб олами» номли халқаро танловнинг со-вриндори бўлди.

● Кармана туманида кузги галла экиш бошлаб юборилди. 6715 гектар ернинг барча майдони сифатли ҳайдалиб, экишга тайёрланди.

Жаҳонда

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра Американин Ироқдаги қўшинлари Бағдоднинг Садр-сити шиалар яшовчи туманини жангарилардан тозалаш бўйича кенг қўламли ҳарбий операцияни бошлаган.

● Қариб ҳавзасидаги тобора кучайиб бораётган «Жанна» тропик тўғони натижасида ҳалок бўлганларнинг сони 650 кишидан ошди. БМТ ва халқаро хайрия ташкилотлари жабр кўрганларга ёрдам бермоқда.

● Россия Федерацияси молия вазири Алексей Кудрин мамлакатнинг 2005 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳасида терроризмга қарши курашга мўлжалланган харажатларнинг сезиларли даражада ошганлигини қайд этди.

● Туркиянинг жанубида жойлашган Мерсина шаҳрида ўтказилаётган рок-концерти пайтида полиция автоматинаси тағига қўйилган бомбанинг портлаши натижасида камида 20 киши оғир ярадор бўлди.

БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида олий тоифали гимнастикчиларни халқаро даражада тайёрлашга бағишланган семинар бошланди. Юртимизнинг бадий гимнастика бўйича мураббийлари учун ўтказилаётган мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Бадий гимнастика федерацияси ташаббуси билан ташкил этилди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлоднинг воғна етказишга катта эътибор берилётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли залуқис тизим яратилгани, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани бунинг яна бир ёрқин далилидир. Юртимизда оилавий спортни янада жонлантириш, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Спортнинг энг жозибадор тури - бадий гимнастика ҳақида гап кетганида, унинг юртимизда ўз анъаналарига эга экани қайд этилади. Шу йил 28 сентябрь-2 октябрь кунлари Тошкентда Бадий гимнастика бўйича жаҳон кубоғининг муҳим босқичи - «Шарқ гузали-2004» турнири ўтказилиши ҳам беҳиз эмас. Бугунги кунда бадий гимнастика бўйича Олимпиада ва бошқа халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этаётган спортчиларнинг аксари-

яти юртимиздан етишиб чиққан. Бу мамлакатимизда спортчиларга кўрсатиладиган юксак ғамқўрлик самаралари-дандир.

Бадий гимнастика бўйича нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарофтини муносиб ҳимоя қиладиган ёшларни тарбиялаш кўп хижатдан мураббий ва тренерлар маҳоратига боғлиқ. Бу эса спорт мураббийларидан ёшлар қалбига йўл топа оладиган кучли руҳшунс ва айни пайтда бўлажак чемпионларни тарбиялашга қодир мутахассис бўлишни талаб этади.

Тўрт кун давом этадиган семинарда мураббийлар Халқаро гимнастика федерацияси эксперти Н.Кузминанинг жаҳонда бадий гимнастиканин ривожланиши анъаналарига оид маърузаларини тинглаб, амалий машғулотларда қатнашадилар.

Халқаро семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.
**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири**

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунини

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА

● **БУГУН** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидида уюштирилган тадбир ҳамда талабалар ўртасидаги спорт мусобақалари мазкур илм маскани ташкил этилганлигининг 12 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Республика ҳужжатли фильмлар киностудиясида Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларидида уюштирилган тадбирда жамиятда аёлларнинг фаоллигини ошириш хусусида сўз борди.

● **ЭРТАГА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида би-

ринчи босқич талабалари ва ўқитувчилар иштирокида «Талабалар бағишлов» деб номланган тадбир ўтказилди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги ҳарбий қисмида Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларидида уюштирилган давра суҳбати «Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш» деб номланди.

● **АКМАЛ** Икромов туманида жойлашган «Карвон» бозори маъмурияти сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида бозор павильонларини кенгайтиришга киришди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида Тошкент кимё-технология институти биринчи босқич талабалари иштирокида «Талабалар бағишлов» тадбири ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Техронда (Эрон) Ислам тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилар кенгашининг йигирма тўққизинчи йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. 1974 йилда ташкил этилган Ислам тараққиёт банкининг асосий мақсадлари унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва техник ҳамкорликни кенгайтириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, фан ва технологиялар ривожига кўмаклашиш, атроф мухитни химоя қилиш ҳисобланади.

Бу халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорлик республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз 2003 йил августда ИТБ таркибига кирган. ИТБнинг бу балги анжумани давомида Ўзбекистон ҳукумати ва Ислам тараққиёт банки ўртасида Техник кўмак тўғрисида битим имзоланди. У Ўзбекистонда «Холдинг инвестиция» компаниясини тасвир этиш бўйича лойиҳанинг диагностика тадқиқотини ўтказишни кўзда тутди. Бу ҳужжат мулкчилик шакли ва ишлаб чиқариш ҳажмидан қатъий назар корхоналар нисом жамғармасига тўғридан-тўғри инвестиция киритиш йўли билан Ўзбекистонда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам беришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки матбуот хизматида хабар беришларича, ҳозирда ИТБ ва Миллий банк ўртасидаги ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда. У тўқимачилик соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олади. Жумладан Андижон вилоятидаги «Алишер Навоий Интернейшнл» қўшма корхонаси ва Тошкент вилоятидаги «Ядем Текстиль»га технология ускуналар сотиб олиш учун жамми 27,6 миллион АКШ долларлари миқдорда кредитлар ажратилди.

Анжуман давомида Ислам тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига мамлакат хусусий тармоғида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун 15 миллион АКШ долларлари миқдорда кредит лийниси такдим этилиши тўғрисида молиявий битим имзоланди.

Келгусида ИТБнинг молиявий ресурсларини қишлоқ хўжалиги, транспорт инфраструктураси, нефть-газ саноати, энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, соғлиқни сақлаш ва таълим каби соҳаларга жалб этиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда.

Ислам тараққиёт банки бошқарувчилари кенгаши йиғилишида Ўзбекистондан ИТБнинг бошқарувчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Ганиев ва бошқарувчи ўринбосари — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Э.Мирхўжаев иштирок этди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Бу масала тегишли қонунларимиз, Президентимиз Ислам Каримовнинг нутқлари ва халқимизнинг орзу-умидларида ўз аксини топган. Шу маънода бугун депутатликка даъвогарлар қандай мезонларга эга бўлиши мумкинлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Депутат аввало инсонпарвар бўлиши лозим.

Юртимизда давлат ва жамият тараққиёти инсон манфаатларига асосланади. Амалга оширилаётган ҳар бир ишлар инсоннинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга йўналтирилган. Депутат бу ишларнинг ташаббускори сифатида фаолият юрताди. Шу сабабли у шахсий манфаатлардан юқалиб умумжамиyat манфаатларини рўёбга чиқарувчи киши сифатида намоён бўлиши керак. Агар депутат ўз муаммолари, яқинларининг ташвишлари билан ўралашиб қолса, у умумжамиyat ишидан чалғийди. Депутатнинг инсонпарварлиги яхши ахлоқ, республич, теран билимлик ва умум ишга садоқатда намоён бўлади. Ҳамма зиёли ёки ижтимоий фаол бўлиши мумкин, лекин инсонпарвар бўла олмайди. Депутат ахлоқда, маънавий дунёқарашда ва ўз меҳнат фаолиятида инсонпарварлик намунасини кўрсатиши лозим.

Депутатликка даъвогар учун яна бир сифат — адолатпарварликдир. Юрбошимиз изчил таъкидлаб келаётганларидек, одамлар барча қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин адолат бузилса чида олмайди. Шу маънода депутатнинг адолатпарварлиги қонунарга итоатда бўлиш ва ўзгалар ҳуқуқларини химоя қилиш билан белгиланади. Қонунга итоат қилишда ибрат бўлмаган депутат тўлақонли шахс бўла олмайди. Унинг ўзи қонунга итоат қилмас экан, ўзгалар ҳуқуқини ҳам рўёбга чиқара олмайди.

Депутатга қўйиладиган яна бир мезон, бу — сиёсий маланиятликдир. Ҳар бир воқеа-ҳодисага нисбатан ўз мустақил фикрига эга бўлиш, жамият муаммоларини тез илғаб олиш ва дунёда бўлаётган жараёнлардан хабардорлик сиёсий маланиятликни билдиради. Депутатга сиёсий маланият одамларни ўз ортдан эргаштира олиши, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ташаббусларни илгари суриши ва дунё воқелигини оқуқорани ажрата олиши билан белгиланади. Бугун, бизнинг жамиятимиз ривожланишининг демократик босқичига кирди. Бундай шароитда депутат жамиятдан бир қadam олдинда юриши керак. Унинг сиёсий онги, сиёсий фикрлари ва сиёсий малакаси ўзгалар учун ибрат бўлиши лозим. Жамият аъзолари сиёсий маланиятда унга қараб ранг олишлари керак. Шу маънода депутат жамият ривожланиши-

нинг янги гоёлари, концепциялари ва дастурларининг ташаббускори бўлмоғи шарт. Чунки бугунги ривожланиш жараёни фақат янгиликларга эҳтиёж сезмоқда. Биз бу янгиликларни депутатларимиздан кутишга ҳақтимиз.

Депутатликка даъвогар учун яна бир

ДЕПУТАТ ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ КЕРАК?



Шу йилнинг декабрь ойида парламентга ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловлардан сўнг янги шаклда тузиладиган парламентимиз давлат ҳокимиятининг бўғини сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Демак, депутатларнинг ҳам мақоми муайян даражада ўзгариб, улар зиммасига энди давлат аҳамиятига молик қонулар ва қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини назорат этиш юкланади. Бошқача айтганда, энди депутатлар чинакам маънодаги давлат хизматчилари бўладилар. Шу сабабли сайловлар жараёни олдинда ҳаммави бир савол қизиктиради: депутат қандай бўлмоғи керак?

муҳим фазилат, бу — ўз касбининг устаси бўлишидир. Кўп ҳолларда уни профессионализм деймиз. Депутатнинг профессионалиги касбини яхши билиши, билимдонлиги ва демократчилиги билан белгиланади. Тўғри, депутатлар муайян касб (иқтисодчи, педагог, сибсатчи каби) эгалари бўлишди. Аммо бу ўринда улар депутатлик «касби»ни чуқур ўзлаштириб боришлари лозим бўлади. Унга кўра, депутат ўз билими ва демократик тушунчаларига таъниб давлат ва жамият ҳаётига оид энг муҳим қонулар ва қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиши керак. Қабул қилинган бу ҳуқуқий асослар мавжуд муаммоларни ҳал қилиб бора, демак депутат ўз касбини уддалаган ҳисобланади. Депутат аввало аниқ ва керакли маълумотларни ола билиши ва уларни таҳлил қила олиши лозим.

Депутатликка даъвогар учун яна бир мезон, бу — ижтимоий фаолликдир. Депутат сўза ва ишда ижтимоий фаол бўлиши керак. Шаклландиган қонунчилик палатаси ёки маҳаллий Кенгашлар депутатлари бир жиҳатдан одамлар ва давлат ўртасида восита-бўғин ҳисобланадилар. Яъни, одамларнинг орзу-ниятлари, мақсад-муаммоларини давлатга, давлатнинг ривожланиш сибсатини одамларга етказувчи ҳисобланадилар. Шу ўринда бир ҳолга изоҳ бериб ўтмоқ керак. Гап шундаки, депутатлар фақат қонулар ва қарорлар қабул қилиш билан шугулланмади, деган нотўғри тасаввур пайдо бўлмоқда. Аксинча, қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенатни ташкил қиладиган маҳаллий Кенгашлар депутатлари вакиллари ўз сайловчилари билан қатъий

ва доимий алоқада бўладилар. Мана шу сайловчилар билдирган фикр-мулоҳазалар, мақсад-муддаолар, талаб ва таклифлардан келиб чиқиб депутатлар ёки сенатор ўз сиёсий дастури ва давлатнинг стратегик йўналишларини белгилайди. Шу маънода депутатнинг ижтимоий фаолияти замирида жамиятнинг ижтимоий фаолиги туради. Демак, депутат жамиятнинг энг фаол кишиси бўлмоғи лозим.

Депутатликка даъвогар учун яна бир мезон, бу — баркамолликдир. Депутат ҳар томонлама — жисмоний ва маънавий баркамол бўлиши керак. Бугун жамиятимиз ривожланиб боргани сари унга панжа остидан қаровчилар ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Улар аввало ёш авлодга жисмоний ва маънавий тажовуз қилишга интиломоқда. Шу маънода депутат, халқимизни жисмоний ва маънавий тажовуздан химоя қилувчи баркамол киши бўлмоғи керак. У жамиятда тўғри эътиқод, соғлом маънавият ва мўътадил ахлоқнинг шаклланиши учун масъул шахс бўлиши лозим. Бунёдкор гоёлари амалиётга таъбиқ этишда депутат бошқоқш бўлади. Депутатнинг баркамоллиги жамият ахлоқи, маънавияти ва ҳаёқсизлигини юксалтиришдаги амалий ишлар билан белгиланади. Сир эмаски, бир пайтлар депутатларимиз баркамоллик борасида мақтана олмасдилар. Кўп ҳолларда сессия мажлисларида мудраб ўтирганлиги каби сабуғий ҳолатларга ҳам дуч келганмиз. Бугун эса баркамол депутат жамият локомотиви сифатида намоён бўлади. Чунки бизнинг тиқчилигимиз, ҳаёқсизлигимиз ва раванкилиги депутатнинг баркамоллик билан олиб борадиган фаолиятига боғлиқдир. Бу ҳолни баркамоллаштириш лозим.

Шундай қилиб бугунги кунда депутат учун қўйиладиган талаблар ва мезонлар ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлар инсоний фазилатлардан тўриб, касб устаси бўлишигача қалар хислатларини қамраб олади. Депутатликка даъвогарлар учун шаклландиган бу мезонлар фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришдаги омиллардан биридир. Юрбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек, «Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва химоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳаққий шарт-шароитлар, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим». Умуман, биз жамиятимизнинг энг етуқ кишиларини депутат сифатида қўришни истаймиз.

Чарос ИНОФОВОВА,
Республика Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази ходими

САЙЛОВ МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Пойтахтдаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Сайлов тизими: халқаро тажриба ва миллий амалиёт» мавзусида анжуман ўтказилди.

Шу йилнинг декабрида мамлакатимизда ўтказилган икки палатали парламентга сайловларда ёшларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил қилганлиги туфайли улар ҳал қилувчи овозлардан бири ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан телеклубда ташкил этилаётган туркум анжуманлар ҳам ёшларни сайлов тўғрисидаги билимларини оширишга хизмат қилмоқда. Учрашуларга мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабалари таклиф этилиб, ёшларнинг сиёсий ўзгаришларни қай даражада тушунишлари ва идрок эта олишлари таҳлил этилади.

Сўнгги вақтларда юртимиз сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Қабул қилинган қатор қонулар сайлов жараёнини тартибга солиб, демократия талабларига қатъий амал қилишга асосланади ва халқаро меъёрларга тўлиқ амал қилади. Анжуманда сайловларда ёшларнинг иштироки қандай бўлиши муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида диний таълим ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларни ўқитиш учун махсус ўқув курси ташкил этилди.

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида айни пайтда ҳар бир маҳаллада фуқаролар йиғинларининг диний таълим ва маънавий ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчилари сайланмоқда.

Фармон аёллар ҳуқуқларини химоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги иштирокини тўла таъминлаш, интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларга оғи талабларни қўйди. Шу сабабли янги, жамият ва давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишда аёллар мавқеини ошириш бўйича янги дастурлар ва чора-тадбир-

лар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган ўқув курсида мамлакатимизнинг фаол аёллари томонидан Президент Фармонининг аҳамияти, маҳаллаларда диний таълим ва маънавий-ахлоқий масалалар муҳокама этилди.

Фармонга кўра, маҳаллаларда диний-маърифий ва ахлоқий-маънавий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими киритилган. Маслаҳатчининг иш фаолиятининг самарадорлиги нисалардан иборатлиги муҳокама этилди. Ўқув курсида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ходимлари ўқитилмоқда. Улар келгусида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ходимларини ўқитадилар.

«Туркистон-пресс»

Иқтисодиёт

ДОРИВОР ГИЁХЛАР АСОСИДА

«Ўзфармсаноат» акциядорлик жамияти қошидаги «Галеника» шўба корхонасида ишлаб чиқарилаётган инсон саломатлиги учун фойдали дори препаратлари асосан доривор гиёхлардан тайёрланади.

Ҳозирги истеъмол қилинадиган айрим дори препаратларидаги кимёвий моддалар одам организмда кўп ҳолларда салбий асоратлар қолдириши мумкин. Аммо шомоллаш, йўтал, бошнинг лўқиллаб оғришидан чидалмаган ҳар қандай бемор барибир шундай дорилардан наҳот кутадди. Доривор гиёхлардан тайёрланган хандориларни истеъмол қилиш эса улар учун ниҳоятда фойдали.

Корхонада тайёрланган томчи ва суртма дорилар, глицерин, лўғол ва пертусин каби препаратлар асосан экологик жиҳатдан тоза ва табиийдир. Ҳозирда 35-40 номдаги препарат ва настойкалардан ташқари корхона илмий ходимлари Ўзбекистон кимё фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент Давлат табиёий институти фармакология кафедраси ходимлари билан ҳамкорликда янги фенсукал суртма дорисини тайёрлашга муваффақ бўлишди. Эндиликда бу доридан барча шифохоналарда аёллардаги шомоллаш касалликларининг олдини олишда кенг фойдаланилади.

ХОНАДОНИ-МИЗНИ БЕЗАЙДИ

Ҳар хил турдаги гуллар шаклини ўзида мужассамлаштирган уч ва тўрт лаппали қандиллар, шар ва пахтасимон ёритгичлар, шунингдек ПВЛП 2x40, ЛПО 2x40 ҳажмдаги люминисцент электр лампаларни ишлаб чиқараётган «Nur-EL Biznes» масъуляти чекланган жамиятнинг ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Ушбу корхонада ҳозирда Россиядан келтирилган палистирол хом ашёси ҳамда металлга ишлов бериш орқали турли ҳажми ва шаклдаги ёритгичлар тайёрланмоқда. 15 хилдаги ёритгичларнинг асосий қисми корхонанинг ўзида қайта ишланиб, йиғилади.

Шаҳримиздаги «Олмос-толмас» шўба корхонасида ишлаб чиқарилаётган шарсимон, цилиндрсимон, пахтасимон ёритгичларнинг устки қисми жамият томонидан шартнома асосида сотиб олинади.

Корхонанинг электр ёритгичлари ишлатилиши жиҳатидан бир неча турларга бўлинади. Шарсимон ёритгичлар истироҳат боғларида, кўча йўлакларига ўрнатилса, цилиндрсимон ёритгичлар шифохоналарга, ванналарга ўрнатилади. Люминисцент ёритгичлар эса ўкув хоналарига ўрнатилишга мўлжалланган. Турли шакл ва рангдаги қандиллар эса хонадонларимизга безак сифатида ўрнатилади.

Озода РАҲМАТОВА

Ҳуқуқий саводхонлик

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

Конституциявий назорат, бу — кўпгина мамлакатларда ўрнатилган ўзига хос ҳуқуқий экспертиза бўлиб, у мамлакатда мавжуд қонуқчиликнинг Асосий Қонуи бўлиши Конституцияга қай даражада мослигини аниқлаш ва текширишдан иборатдир.

Конституция — олий юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат бўлгани учун ҳам, унга мос келмайдиган бирор бир ҳуқуқ нормаси амалда қўлланилмаслиги керак.

Конституциявий назорат эса Конституциянинг устуңлигини таъминлаш учун ташкил этилади.

Конституциявий судлар ҳам бир қатор мамлакатларда конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар бўлиб, илк бор уларга 1920 йилда Австрияда асос солинган. Ҳозирги кунда ГФР, Италия, Кипр, Туркия, Россия Федерацияси, Болгария, Хорватия, Руминия, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда конституциявий (махсус) судлар мавжуд. Бундай махсус судлар фуқаролик, жиноий ва бошқа ишларни кўрмайди. Улар кўпинча конституциявий назоратни асосий вазифа қилиб оладилар. Бундан ташқари улар Конституцияни шарҳлаш, ваколатлар бўйича масалаларни ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг фаолияти қай даражада конституцияга мослиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиши мумкин. Одатдаги олий судлардан фарқли равишда конституциявий судлар умумий юрисдикция судлари тизимига кирмайди. Баъзи давлатларда конституциявий суд алоҳида гуруҳга мансуб суд сифатида суд тизимига киритилган бўлса, бошқа давлатларда (Германия, Италия, Руминия, Болгария, Мўғулстонда) у суд ҳокимиятига мансуб бўлмаган, алоҳида назорат органи ҳисобланади.

Баъзи хорижий давлатларда конституциявий назоратни суд ҳокимиятига киритилмайдиган, суд деб аталмайдиган махсус ташкил этилган давлат органлари олиб борадилар. Буларга мисол қилиб Франция ва унинг кўпгина собиқ мустамлакаларидаги Конституциявий кенгашларни ҳамда баъзи социалистик давлатларда мавжуд Конституциявий назорат кўмиталарини келтириш мумкин.

Францияда Конституциявий кенгаш 1958 йилда қабул қилинган бешинчи республика Конституциясига асосан таъсис этилган. Французлар уни «миллий суверенитет ҳимоячиси ва қўриқчиси» сифатида ардоқлашади. Дастлаб кенгаш ижро ҳокимиятини қўллаб-қувватлаш, сайлов ва референдумларнинг қонунийлигини назорат қилиш ва Конституциявий назоратни амалга ошириш вазифаларини бажарган. Ҳозирги кунда эса унинг ваколатлари кенгайган. Кенгаш 9 аъзодан иборат бўлиб, улар Президент, Миллий мажлис ва сенат раислари томонидан тенг миқдорда, яъни 3 аъзодан тайинланади.

Хуллас, Конституциявий назорат турли хил органлар томонидан амалга оширилса ҳам, унинг мақсади битта — Конституциянинг олий юридик кучини таъминлаш ва уни ҳуқуқий муҳофаза қилишдир.

Зафар АМИРОВ,
ҳуқуқшунос.

ШИРИН ШАРБАТЛАР

«Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Marvel Juice Co» очик акционерлик жамияти корпоратив облигацияларининг халқаро эмиссия синдикати томонидан ташкил этилган учинчи эмиссияга бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Облигациялар эмиссияси ҳажми 500 миллион сўм бўлиб, қайтариш муддати 24 ой. Бу компания облигациялари даромад ставкаси йилига 24 фоиз миқдорда белгиланган ва жорий фойзалар ҳар чоракда тўланади.

Эмиссиянинг бош андеррайтери «Ansher Securities» МЧЖ ҳисобланади. У маркет-мейкер фаолияти йўли билан иккиламчи бозорда қимматли қоғозлар-

нинг ликвидлигини таъминлайди. Тўлов агентни вазифасини «Пахта банк» акционерлик тижорат банки бажаради.

Компания маҳсулоти республикамиз ва қўшни давлатлар аҳолисига «Тир-Тор» савдо маркази остида яхши таниш ва истеъмолчиларнинг эътирофига сазовор бўлган. Бундан ташқари, «Marvel Juice Co» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган шарбат концентрати Россия,

Қозоғистон, МДХнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда. 2003 йилда компаниянинг соф даромади 5,16 миллиард сўмни ташкил этди. Облигацияларни сотишдан тушган маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва экспорт ҳажмини оширишга сарфланади.

ЎЗА

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири

Сақоат

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Чилонзор туманидаги «Ютекс» хусусий фирмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган болалар, аёллар ва эркеклар устки кийимлари ва турли хилдаги трикотаж маҳсулотларига ички бозоримизда талаб юқори.

Ушбу корхона айна пайтда футболкалар, жемферлар ҳамда нимчалар, кўйлақлар учун зарур ип калава хом ашёсини «Чиноз тўқимачи» фабрикаси, ҳамда «Агама» фирмасидан шартнома асосида сотиб олмақда. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ютекс» фирмасида 30 га яқин маҳаллий ёшларимиз иш билан таъминланган. Тадбиркор Гулсора Охунжонованинг саъй-ҳаракатлари сабаб, 1995 йил ишга тушган корхона дастлаб кам сонли ишчилар билан фаолият бошлаган эди. Бугунги кунда хусусий фирма ходимлари ички бозорни ўрганган ҳолда ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйишган. Сифатли ва замонавий бичимдаги устки кийимларга эҳтиёж ҳамма даврда ҳам юқори бўлишини яхши англаган Гулсора опа доимо ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг аввало сифатига алоҳида эътибор қарата-



ди. Ҳозирда корхона маҳсулотларига талаб кун сайин ошиб бормоқда.


— Шу кунгача шаҳримиздаги кўплаб хусусий корхоналарнинг шартномасини удаладиқ, — дейди Гулсора Охунжова. — Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг буюртмасига кўра 1 миллион 620 миң сўмлик «Камолот» белгиси туширилган футболкалар тайёрлаб бердик. Бугунги кунда юртимизда спорт соҳасига эътибор кўчагани босиб футболкаларга ҳам эҳтиёж ошиб бормоқда. Шунга кўра шаҳримиздаги «Спорт-савдо» масъуляти чекланган жамияти билан шартнома туздиқ ва бир неча мингга яқин футболкалар ишлаб чиқардик.

Бундан ташқари фирма ходимлари томонидан тайёрланган 60 хилдан

ортик эркеклар, аёллар ва болалар устки кийимлари ва мавсумий кийимлар Чорсу савдо марказида жойлашган «Болалар дунёси» дўконларида ҳамда Чилонзор ва Юнусобод савдо марказларида сотувга чиқарилмоқда.

Айни пайтдаги корхона жамоасининг асосий мақсади ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, ҳаюн талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардор маҳсулотларни четга экспорт қилишдир.

Орзугул РУСТАМОВА,
СУРАТДА: корхона ишчиси Умида Камилова тикаётган кийимнинг ўлчамини текширмоқда.
Қозим Ўлмасов олган сурат.



Хўш, маҳаллалар, хусусан «Чигатой Октепа» маҳалласи қандайд...

Қадимда, XVII-XVIII асрларда Туркистоннинг катта-катта шаҳар...

ҳозирги кунда Хайрулла ака Мўминов оксо...

Мустақилликдан сўнг, қисқа муддат ичид...

монидан доимо ёрдам бериб келинади...

Тарихисиз келажак йўқ, дейди доно калки...

либ туришди. Қўрқам, шинам гузарга...

Музей янги-янги экспонатлар ва қиммат...

Мана, азиз ватандошим, «Чигатой Окте...

Дарвоқе, фақат олдинга, эзгуликка ин...

Мустақиллик йилларида қад ростилаётган шинам гузар...

Сиз суратда кўриб турган Юнусобод туманидаги «Шарқ...



2004 — Меҳр ва мурувват йили

БУТУН УМР ЁДАДА ҚОЛАДИ

«Уста-Ширин» маҳалласи Юнусобод туманидаги кўп миллатли, обод маҳаллалардан бири...

Айниқса, маҳалла оксоколи Анвар ака Юсуп...

Маҳалламизда байрам тадбирлари аъна...

Тадбир очилишида сўзга чиққан маҳалла...

ўйларига тотувлик, барака, хотиржамлик т...

Инсонларнинг кўнглига шодлик, яхши к...

Умид қиламизки, бу кунги байрам, барча...

Малика АБДУЛЛАЕВА, «Уста Ширин» маҳалла фуқароси.

ЎЗARO ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

«Ватан остонадан бошланади». Ушбу иборادا ҳикмат кўп. Чунки остона қадим-қадимдан...

Маҳалла давлатнинг энг кичи кан Ватанимизнинг остонаси, бу — маҳалладир.

«Оқтепа» ва «Ипакчи» ҳамда «Оқтепа» маҳаллалари ўртасида анча фарқ бор.

Маҳаллалари фуқаролар йиғини раислари ҳам посбонлар ва профилатика...

Пойтахтимизнинг ушбу икки маҳалласида ёшлар тарбиясида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

«Оқтепа» ва «Ипакчи» маҳаллалари фуқаролари йиғини раислари ҳам посбонлар ва профилатика...

Уйлашимизки, пойтахтнинг икки маҳалласи ҳамда олис Сурхон воҳисининг маҳалласи ўртасидаги яқин танишув, тажриба алмашув, ўзаро ҳамкорлик албатта ўзининг яқини...

Мағбурлар

ҚУДАРАТИМИЗ — ДЎСТАЛИКДА

Дўст билан обод уйинг, Гар бўлса у вайрона ҳам, Дўст қадам қўймас эса, Вайронадир ибратга ҳам.

Хар сафар юборгани ушбу сатрларни ўқиганда беихтиёр кўз олдимизга ўз бағрига 42 га яқин турли миллат ва элат вакилларини жойлаб, уларнинг тинч-тотув, ҳамжиҳатликда, яхши қўшничилик удуумларига амал қилган ҳолда яшашларига шарт-шароит яратиб келаётган Акмал Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласи келади.

Анжуманда туман маҳаллалари оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияси раисалари, чет эл ваколатхоналари, Ўзбекистон хорихий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар кенгаши, Республика Бай-

налмилал маданият маркази, туман «Маҳалла» жамғармаси ва «Ватан» маҳалласида истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари бир пиеда чой устида мустақил юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, тинчлик-тотувликни сақлаш йўлидаги хайрли юмушлар тўғрисида дилдан суҳбат қурдилар.

— Азиз маҳалладошлар,— деди жумладан тадбирда сўз олган «Ватан» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Озод ака Ризаев. — Аънавий маънавий «Ватан» маҳалласида 130 дан ортққ турли миллат вакилларининг ўз тили, дини, буюқ қадриятлари, аънава ва русумларини тобора ривожлантирган ҳолда эмин-эркин яшашларига барча шароитлар яратилган. Хуқуқ ва бурчалари Конституциямизда қонун билан кафолатлаб қўйилган. Кунги кеча дўстлик ва биродарликни улуглаш, тинчлик-тотувликни асраб-авайлашга бағишланган «Қудратимиз — дўстликда» деб номланган тадбир ҳам айнан «Ватан» маҳалласида бўлиб ўтди.

ва маданий- маърифий алоқалар жамиятлари кенгашининг раиси Уринбосари Бобур Ашуралиев, Рус маданият маркази раиси Владимир Бойко, Тошкент шаҳар Корейс маданият маркази раиси Михаил Кимлар мустақил юртимизда амалга оширилаётган энчиқ ислохотлар, турли миллат ва элатларнинг ўзаро тинч-хотиржамликда ҳаёт кечирिशлари учун яратилаётган шарт-шароит ва ғамхўрликлар, хусусан «Ватан» маҳалласида татбиқ этилаётган хайрли юмушлар ҳақида сўз юритиб, фикрларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, ушбу тадбирда маҳалладаги ёрдамга муҳтож, қаровчисин йўқ, ногирон ва кекса инсонларга совға-саломлар, моддий ёрдам кўрсатилди. Кўнгиллар кўтарилди, ётиб қолган беморларнинг хонадонларига бориб йўқланди.

Файзли, таассуротларга бой тарзда ўтган ушбу тадбирда турли миллий-маданий марказларнинг ҳаваскорлик жамоалари ижросида янграган тинчлик, дўстлик каби эзгу ниятларни улуглаган дилрабо куй ва қўшиқлар барчага хуш кайфият уладди.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Маҳалла — Ота-онанг

Маҳалла идорасига яқинлашганимда бир неча киши мени тўхта...

Маҳалла идорасига кирганимизда эса маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шохиди опа Бадалова билан танишиб олдим.

«Маҳалла фаоллари билан барча юмушларни маслаҳатлашиб олаётган эдик»,— дедилар Шохиди опа. Мен у кишига ниятимни айтдим ва «демак, сизлар ҳам бедор экансизларда» деб сўз ташладим.

— Албатта бедорлар сафига маҳалла посбонларини ҳам қўшасан бўлади, айниқса Гофир Тўлаганов, Тўлкин Азимов, Раҳмат Хусанбоевлар маҳалланинг барча ишларига астойдил ёрдам берадилар. Умуман посбонларнинг савий-харакатлари туфайли маҳаллада жиноятчилик бутунлай барҳараф этилди. Ёшлар билан ишлаш натижасида турли оқимларга кириб қолтирилган олди олинмоқда, — дея сўз бошлади маҳалла фуқаролар йиғини раиси. — Маҳалламизда 11 та кўча бўлиб, хар бир кўчанинг ўз посбонлари мавжуд. Улар «Ўз уйингни ўзинг асра» ширини яхши тушунадилар. Улар фақатгина маҳалла тинчилиги

ва осийишталарини сақлаб қолмасдан, маҳалладаги барча ташкилий ишларга қўмаклашадилар. Нотинч хонадонларда бўладилар. Ёрдамга муҳтож ёлғиз қарияларга қўмаклашадилар. Турли маърифий тадбирларни ташкил этишда қатнашадилар. Кейинги пайтларда ўтказилган «Огоҳлик — давр талаби», «Терроризм — инсоният душмани», «Тўйлар ҳақида йўллар» мавзюларидаги суҳбатларни ташкил этишда, Наврўз байрами, Хотир ва Қадрлаш кунлари, Мустақиллик байрами тадбирларининг ҳам асосий ташкилотчилари улардир. Айниқса, маҳалла хотин-қизлари, нурунийлари билан тўйларнинг камчилик, ортиқча дабдабалирсиз, тинч ўтишида уларнинг хиссаси салмоқлики.

БЕДОРЛАР...


Мен маҳалла посбонлари сардори, милиция капитани Муҳаммадjon Жабборовга юзланиб: «Муҳаммадjon ака, бедор одам хушёр бўладими ёки хушёр одам

бедор бўладими?» деб сўрадим. Маҳалла посбонлари сардори мийғида кулиб қўйди, кейин эса жиддий жавоб қайтарди.

— Албатта хушёрлик энг аввало касбимизнинг тақозосидир, яъни шахмат-шашка тўғрисида футбол жамоаси ҳам мавжуд. 9-синфини тамомлаган ёшларни турли касб-хунар коллежлари, ўқув муассасаларига жойлаш ниятида улар ўртасида посбонларимиз сўровлар ўтказиб, ўсимларнинг нимага мойиллигини аниқлаб, ана шу ўқув юртиларига киришларига ёрдам берадилар. Маҳаллада истиқомат қилувчи юздан ортққ ёшлар фаолларнинг ёрдами билан ишга жойлашди.

Маҳалла нозирни Комилбой Хошманов саволини кутиб ўтирмади. Ҳақ қараб ўйчан ҳолда: — Биз келгусида мақсад қилиб олган ишларимиз хозирги кундалик ишларимизнинг давоми бўлиб, маҳалла фуқаролари тинчлиги ва осийишталарини сақлаш, ёшларнинг жиноят ва турли йўлларга кириб кетишларининг олдини олиш ҳамда улар ўртасида тарбиявий ишларни жадаллаштириш ва маҳалла раванқи йўлида меҳнат қилиш, халқнинг қалоидан жой олиб, келажакка қадам қўйишдир, — деб лўндагина гапни айтди-қўйди.

Зафар ЁҚУБОВ



Шоира МУҲАМЕДОВА, Нигора ЭШИМОВА, Суратларда: «Чигатой Октепа» маҳалласи ҳаётдан лавҳалар.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганим
Домо бўлур...

• Хар кимнинг ичи болалар ногораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миясини, ўзининг эса дарвозасини қиртишлайди.

• Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

Сўз айтсанг сен фақат фойдали сўз айт, Бу билан жой олгин элнинг дилдан. Бўлмаса сўзламай жим ўтир, чунки, Инсонга не келса келар тилидан.

• Қадимий Юнон ҳақимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзининг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда доғи олд учун пугур эканини билмайди.

• Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насихатлари. У ёзади:

— Хар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечириш сабаби мурося, сирини ошкор бўлмаслиги сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби очик юзлиликда, художлик сабаби хилофлик, хорлик сабаби тама, иззат сабаби қаноат, нажот сабаби ростлик, улуглик сабаби тавозе.


• Анушервон бир куни Юнондан: — Энг яхши яшаш нима? — деб сўради.

Юнон унга: — Саломат бўлиш ва хотиржамликда яшаш — яхши яшашдир. Аммо, яхши ном қолдириш кишининг абадий яшашидир! — деди.

• Хормуз ҳаким сўзларидан. У айтди:

— Одам учун сазовор нарсаси шуки, у ҳикмат ўргансин, донолик илмини билсин ва уни юрагига нақш қилсин. Ҳикмат ва фазилатга етишга қаршилиқ, тўсқинлик қилолмайди. Ҳикмат шундай нарсаски, у ўзгармайди ва қасод бўлмайди. Ҳикматни кимки дилга жойлаган бўлса, на ботир, на қахрамон, на подшоҳ ҳеч ким уни тортиб ололмайди. Киши ўз ниятини сўз билан мувофиқ қилсин, токи тили бошқа-ю, дили бошқа бўлсин!

• Бузургмеҳр айтди: — Билгинки, ҳаким ўз табияти билан куйидаги хислатларга эга бўлмоғи керак. Биринчи, қўлдан кетиш ва абадий турмаслиги муқаррар бўлган мол билан фахрланмаслик. Иккинчи, бошга келган меҳнатдан қўриқиб изтироб чекмаслик. Учинчи, келажакда унга муяссар бўладиган давлат учун шодланмаслик. Тўртинчи, ўзига лойиқ ва муносиб бўлмаган нарсани орзу қилмаслик. Бешинчи, етишолмаслик нарса учун қайғу тортмаслик.



«Қамолот»

МУНОСИБ САРДОРЛАР САЙЛАНДИ

Илгари хабар берганимиздек, шахримизда айна кунларда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлиари, корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларида сайловлар бўлиб ўтмоқда.

Шайхонтохур туманидаги хитой ва корейс тилларига ихтисослашган 59-ўрта умумтаълим мактабида бўлиб ўтган сайловга ҳам катта тайёргарлик қўрилди. 200 дан ортик кенгаш аъзолари иштирок этган ушбу тadbирга «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашидан ва Ҳамза, Яққасарой, Миробод туман бўлимларидан вакиллар ташриф буюриб сайловнинг очик демократик тарзда ўтишини кузатдилар.

Дастлаб мактабнинг «Қамолот» сардори Нодира Муҳаммаджонованинг 2003-2004 йилларда қилинган ишлар бўйича ҳисоботи тингланди.

Музокарада сўз олган мактаб директори Фахриддин Шамсиев давлатимиз

томонидан ёшларга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик, илм олиш йўлидаги кенг имкониятлар ҳақида, шунга яраша ўқувчи-ёшлар албатта келажакда мустақил юртга муносиб фарзанд бўлиб етишишлари, «Қамолот» ва «Қамалак» сардорлари хар жиҳатдан намуна бўлиб, ортларидан тенгдошлари, синфдошларини эргаштиришлари лозимлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўқувчиларга қимматли маслаҳатларини берди.

Мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Зарифа Пирмухамедова эса энг муносиб, намунали ўқувчилар сайланиши лозимлиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг

қомил инсон бўлиб вояга етишлари йўлида жуда кўп сабий-ҳаракатлар қилинаётган экан, улар ҳам кенг тафаккурли, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук бўлиб, илм чўққиларини забт этишлари кераклиги ҳақида гапирди.

Хар томонлама қизиқарли ва синф сардорларининг фикр-мулоҳазалари тингланган ҳолда ўтган тadbир давомида «Қамолот» сардори этиб Нодира Муҳаммаджонова, «Қамалак» сардори этиб Ирода Абдунабиева сайландилар.

Шундан сўнг келгусида амалга оширилаётган таклиф ва режалар ҳам муҳокама қилиниб 2004-2005 йилги иш режалари белгилаб олинди.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТЛАРДА: 59-мактаб «Қамолот» сардори Нодира Муҳаммаджонова (ўртада); мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Зарифа Пирмухамедова ўқувчилар билан бирга келгуси режаларни муҳокама қилмоқда. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Фахр ва гурур билан айтишимиз лозимки, бу борада шахримиз аҳолисига қулайликлар яратилган, юзлаб кутубхоналар аҳоли хизматида. Пойтахтнинг хар бир туманида зиё маскани вазифини ўтаётган кутубхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги қувонарли ҳолдир.

Бугун биз ама шундай маърифат масканларидан бири — Бектемир туман Марказий кутубхонаси фаолияти ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдик. Эътиборга лойиқ томони шундаки, туман Марказий кутубхонаси ташкил этилганига 46 йил бўлибди. Шу йиллар мобайнида юзлаб, минглаб китобхонларнинг кутубхона хизматидан фойдаланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, маънавият гултожи бўлмиш ушбу маскан қанчадан-қанча кишиларга ажойиб онларни тақдир этгани, минглаб ёшларнинг билими, дунёқараши юксалишига ҳисса қўшгани билинади, қолади.

— Кутубхонамиз дастлаб 1958 йилда «Қироатхона» номи билан фаолият бошлаган эди, — дейди бу ҳақда катта кутубхоначи Тожинисо Мамаसाидова, — ўшанда қироатхонамизда бор-йўғи 150 тагина китоб мавжуд эди ҳоло. Аммо, бу яқин атрофдаги корхона, ташкилотларга, мактабга хизмат кўрсатуви бошқа кутубхона бўлмаганлиги сабаблими, китобхонларнинг кети узилмаган. Аллоҳга шукрки, ҳозир ҳам шундай.

Дарвоқе, Тожинисо Мамаसाидова ҳозирда ҳам тетик, бардам, муҳими, Марказий кутубхонада катта кутубхоначи лавозимида меҳнат қилиб келмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, аввалига 150 тагина китоби бўлган мазкур зиё масканида ҳозирда ўн олти минг икки юз дона китоб мавжуд. Қувонарлиси, замонавий бинода қад ростлаган мазкур зиё масканида фақат бадий китобларгина эмас, балки спорт, тиббиёт, ўлкашунослик, санъат, техника, қишлоқ хўжалиги, физика, астрономия ва бошқа фанлар йўналишларига оид китоблар мавжуд. Махсус фан соҳаларига оид анциклопедик луғатларнинг борлиги эса таҳсинга сазовор.

Юқорида таъкидланганидек, Бектемир тумани аҳолиси сони кўпайиб, китобга бўлган ташналик ҳам ортиб борди. Натижада дастлабки кутубхона негизида ҳозирги Марказий кутубхона ташкил этилди.

— Кутубхонамиз «Бектемир», «Зилола»,

«Чашма», «Биллур» ҳамда Олим Аширов номли маҳаллалар аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди мазкур зиё маскани Ахборот-таҳлил бўлими мудири Ҳосият Маллабоева, — китобхонларимизнинг сони эса бир минг беш нафардан ортади.

— Бу кўрсаткич туман Марказий кутубхонаси учун кам эмасми? — савол

Маънавият

**ЗИЁ МАСКАНИГА
МАРҲАМАТ**

Билимлар сарчашмаси, маънавият гултожи ҳисобланмиш китобнинг инсон ҳаётида тугган ўрнини ҳеч бир нарсаси билан таққослаб бўлмайди. Тан олишимиз керакки, на телевизор, на радио, на компьютер технологиялари ёки аудио, видеомагнитофон воситалари китобнинг ўрнини боса олмайди. Шу боисми, билим олишга чанқоқ киши у ёш бўладики, кексами мудом кутубхоналарга ошиқади, китоб мутолаа қилмоққа чоғланади.

га тутамиз суҳбатдошимизни.

— Гапингиздаги шаъмени тушундим укажон. Ҳақиқатан ҳам бу кам микдор. Негаки, кейинги пайтда телевизор, радио, видеомагнитофон ёки компьютер сабабли микан, ёшлар орасида китобга қизиқувчилар сафи камайгандек. Лекин айтиб қўйай, китоб мутолааси ўрнини на телевизор, на радио ёки на компьютер боса олади.

— Шу ўринда яна бир савол. Китоблар маълум бир шароитда сақланиши, таъмирга муҳтожлари таъмирланиши зарур.

— Дарҳақиқат, юқорида айтганимдек, китобларни имкони борида тоза тутишга, маълум шароитда сақлашга интиламиз. Бунинг учун имкон бор, таъмирга муҳтожларини эса таъмирлаймиз. Аввало, китоб иссиқ жойда ҳам, нам жойда ҳам узок вақт сақланмаслиги керак.

— Дарвоқе, ёшлар орасида китобга қизиқувчилар камлиги ҳақида афсус билан гапирдингиз. Кутубхонада болалар адабиётига оид китоблар кўппми?

— Албатта. — Кутубхонамиз 289-мактаб ёнида жойлашган. Китобсеварларнинг аксариятини ёшлар, болалар ташкил этганлиги тўғрйли ҳам ҳозирда зиё масканимизда болалар учун беш минг беш юз донадан ортик турли хил китобларимиз бор. Зухра Бобоева раҳбарлик қилаётган

Бектемир туман Марказий кутубхонаси фаолияти ҳақида гапирганда туманда ташкил этилган филиалларни ҳам эсламаслик мумкин эмас. Ҳозирда Марказий кутубхона қoшида бешта филиал фаолият кўрсатмоқда. Ушбу филиалларнинг хар бирида 8-10 минг тадан китоб мавжуд. Болалар учун ташкил этилган кутубхона йилдан-йилга турли хил бадий, илмий, ўқув адабиётлари билан бойиб бормоқда.

Шу ўринда ҳақиқий маънавият масканига айланган мазкур кутубхона «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент», «Труд» газеталари ҳамда «Гулхан» журналларига мунтазам ёзилганлигини эшитиб хурсанд бўлганлигимизни айтмоқчимиз. Аммо, кутубхона имкони борида бошқа кундалик наشرларга ҳам обуна бўлишини чин дилдан истар эдик.

Мазкур даргоҳ бектемирликларнинг дилтортар масканига айланиб бораётганини айтишимиз ўрикли. Кутубхона мудири Зухра Бобоева билан суҳбатлашганимизда у киши шундай деди. «Кутубхонамизда китобхонлар иштирокида маънавий-маърифий тadbирларни ўтказишни одат қилганимиз. Жорий йилнинг ўзида Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Меҳр ва мурувват — олий фазилат», «Яхшилик улашиб яшайлик», «Қариси бор уйнинг париси бор», Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига «Ўзбек элим» мавзусида тadbирлар уюштирдик.

Зухра опа билан ҳам, дарвоқе китобхонлар 289-мактаб ўқувчилари Азиза Хўжаева, Илмира Ражаббоева, «Бектемир» маҳалласи фуқаролари Зулфия Умарова, Манзура Исмоилова, Ольга Сидовалар билан ҳам зиё маскани ҳақида узок суҳбатлашдик. Яқиндагина мазкур кутубхонага 32 хилдаги адабий-бадий, илмий китоблар келтирилганлигидан суҳбатдошларимиз мамнун эканликларини яширишмади.

Хулоса ўринда китоб билан ошно инсон доимо маънавий етук бўлишини, аиникса, ёшларимизга китоб билан ҳамнафас бўлиш зарур эканлигини яна бир қара таъкидлагимиз келди. Зеро, келажаги буюк давлатни маънавияти буюк шахслар куради. Бу борада ҳамшахарларимизга Бектемир туман Марказий кутубхонаси каби зиё масканлари ёрдам беради. Кутубхоналарга марҳамат, азизлар.

Акбар Йўлдошев

Биласизми?**САЙЁРАМИЗ
АҲОЛИСИ
КЎПАЙМОҚДА**

БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси томонидан тайёрланган «Дунё аҳолиси-2004» ҳисоботида қайд қилинишича, 2050 йилга бориб, ер шари аҳолиси сони 2,5 миллиардга кўпайиб, 9 миллиардни ташкил этади. Маълумотларга қараганда, 1995 йилда курраи заминда истиқомат қилувчилар сони 5,7 миллиардни ташкил қилган. Мазкур ҳужжат жаҳоннинг 169 мамлакатидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.

Аслида аҳоли сонининг ўсишига туғилиш даражасининг ўлимига нисбатан юқорилиги сабаб бўлади. Аҳоли кўпайишини эндиликда одамлар узоқ умр кўраётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Лекин ҳозир дунё аҳолисининг кўпайишига қашшоқ мамлакатлар кўпроқ «хисса қўшмоқда».

Аҳоли ўсиши суръати бўйича Ҳиндистон биринчи ўринда туради. Тахминга кўра, яқин йилларда ушбу мамлакат нудуси 1,5 миллиардга етади. Хитойда эса аҳоли 80 миллионга кўпайиб, 1 миллиард 395 миллион кишини ташкил этиши мумкин.

АҚШда истиқомат қилувчилар сони 409 миллионга етиши башорат қилинаётир. Россияда эса бунинг акси кузатилиши мумкин.

2050 йилга бориб, у ерда истиқомат қилувчилар сони 41 миллионга камайиб, 101,5 миллион кишини ташкил этаркан.

Жамғарма раҳбарининг сўзларига қараганда, сайёраимиз аҳолиси сонининг шу тарзда тўхтовсиз ўсиб бориши ҳар хил юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши, урбанизациянинг янада кучайиши ва қашшоқларнинг кўпайиши каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис кузатувчилар қашшоқ мамлакатларда дори-дармон ва контрацепция воситаларидан фойдаланишни жорий этиш учун маблағ ажратиш лозимлигини таъкидламоқда.

21 сентябрь 2004 йилда такси сифатида фойдаланилган «Жигули» автомашинасининг орқа бағажда МЧЖ «JAM» корхонасининг архив учун топширишга олиб кетаётган барча ҳужжатлари унутиб қолдирилган. Автомашина эгасидан ҳужжатларни қуйдаги манзил бўйича мукофот эвазига олиб келиб беришни сўраймиз.

Халқлар дўстлиги кўчаси, 1-уй. Телефон: 173-17-02

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг ишонч телефони рақами 67-74-14. Кеча-кундуз ишлайди.

— Уйнинг барча эшикларини беркит, сенда муҳим гапим бор!

Озорқ вақт ўтган сўрабди:
— Беркитдингми?!
— Йўқ! — деди хизматкорнинг завжаси, — учта эшикни беркита олмадим!
— Қайси эшиклар экан, ўзим беркита қолай...

— Йўқ! Уларни сиз ҳам беркита олмайсиз. Мен виждон, ҳаё, садоқат эшикларини беркита олмадим...

Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда аёл зотиға бюририлган ана шу уч фазилат, қундалиқ ҳаётда шу даражада зарурки, унга қўшимча изоҳ киритишга оҳизмиз. Ўзининг раван, текис ҳаёти, гулдай оиласи, ёлғизгина фарзандни келажакни қора бўёқлар билан чапланишига сабабчи бўлган Гулнора Алимова ана шу фазилатларнинг айнан аёл киши учун қанчалик муҳимлигини бир бора бўлсада ўйлаб кўрмаган назаримизда. Агар у ҳаёт денгизининг айқирқ тўлқинлари ҳар қандай кишини гангитиб қўйиши мумкинлигини, бунинг ягона малҳами — тинч, осуда умргузаронлик эканлигини билганида, гиёванд воситалар савдоси билан шуғулланиб, тавқи-лаънат орттиришни истамаганида бу «йўл»ларга асло қадам босмасди.

... Гулнорани ота-онаси яхши ниятлар билан узатишди. Лекин турмуши яхши бўлмади. Эри билан ажрашди. Ўртада ёлғизгина жигарпораси — фарзанди ички жаҳон овораси бўлиб қолди. Энди мустақил яшашига, мустақил равишда пул топиб, кичкина оиласини тебраттишга аҳд қилган Гулнора ўзи туғилиб ўсган Сурхондарё вилояти, Денов шаҳрига қарашли бозорда савдо-сотик ишлари билан шуғуллана бошлади. Қунларнинг бирида у бозорда танишиб-топишган Раёно опа исми аёлнинг уйига боради. Ва ўша ерда Денов туманининг Ш.Худойназаров жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган, муқаддам икки мартаба судланиб, тегишли хулоса чиқармай яна бир қанча қинғир ишларнинг бошини тугатиб юрган Ақром Рустамов билан танишади.

Кўр-кўрни қоронғида топади, дейдилар. Мўмай даромад топиш, ҳаётнинг маъни-маърасини фақатгина жигилдон тўқлиги билан ўлчайдиган бу икки шахс, Раёно опа исми аёлнинг хонадонига галдаги

шади, аммо ўйланган қинғир ният амалга ошмайди. Героин сотиш билан боғлиқ операция ихобий яқун топмай қолади.

Нима қилиш керак?
Асабийликдан, ишлари юришмаганидан дарди-дунёси

Ҳукм ўқилди**ПАНЖАРА ОРТИДА —
ОҒУФУРУШЛАР**

Айтидиларки, ўтмишда бир мавзенинг донгдор бойларидан бири хизматкорнинг хотинига назари тушибди-ю, кўнглида шайтон исён кўтарибди. У гуломини бирор юмуш билан қаергадир жўнатибди-да, хизматкорнинг хотинига юзланиб, амр қилибди:

жиноий ишга «тамал тош»и қўйишади. Унга кўра Г.Алимова ҳамда А.Рустамовлар иштирокида жиноий гуруҳ 400.000 сўм бадалига жиноий тўданинг яна бир аъзоси — Қудрат Ҳимматовдан героин гиёвандлик моддасини топиб беришни илтимос қилишади.

— Агар бизнинг ишимизни «беш» қилиб берсанг, сени ҳам қуруқ қолдирмаймиз, — дейди А.Рустамов.

— Е қуруғидан, ё хўлидан, — изоҳ киритади Г.Алимова. Ана шу тариха улар жиноий иш ўпқонига яна бир кишини тортишади. Аниқроғи, улар Қудратнинг эски таниши — Учқун Турсунов воситачилигида тергов жараёнида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган «Халима» исми аёлдан, вази танишан 20 грамм оғирлигида бўлган героин гиёвандлик воситасини сотиб олишади. Аввалга келишувга биноан А.Рустамов харид қилинган оғудан бир қисмини К.Ҳимматовга хизмат ҳақи сифатида беради.

Г.Алимова бошчилигидаги жиноий гуруҳнинг галдаги юмуши тез фурсатлар ичида қўлга киритилган оғуни тезроқ каттароқ пулга сотиш ва ундан келадиган даромаддан «арра» қилиш эди. Шу мақсадда Г.Алимова ва А.Рустамов захри қотилни Андижон вилояти, Қорасув шаҳрига олиб бори-

қоронғи бўлган Алимова Тошкентга, жиёни Темуру Ҳушбеков хонадонига кўнғироқ қилишни лозим деб ўйлайди.

— «Мол»ни сотолмадик, — Гулноранинг овози гўшакдан асабий алфозда эшитилди.

— Қанақа «мол», — дейди содда Темуру.

— Намунча анойи бўлмасанг, «героин» бор! Балки мижоз топиб берарсан?!

— Ҳазиллашаёйсизми?

— Қанақа ҳазил, галвар!!!

Улар Андижонда кўп туришмайди. Шу боис, Тошкентга, жиёни Темурунинг уйига келиб, хонадон сохибидан яна харидроқ топиб беришларини илтимос қилишади. Темуру табиатан покиза, «харомдан ҳазар» қикматига амал қилиб ўзини йигит эмасми, дарҳол ушбу жиёноят юзасидан шаҳар ички ишлар хизмати ходимларига ариза билан муурожаат қилади. Бир ҳолис, ҳалол фуқаронинг фидойилиги туфайли жиёноятчилар тез фурсатларда қўлга олинди.

... Вақт ҳакам. Ички ишлар ходимларининг ҳар дақиқани ганимат билиб қилган изланлишлари, тергов, сўроқ, гувоҳларнинг берган кўргазмалари атрофлича ўрганиб чиқилди. Иш судга оширилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, очиқ суд мажлисида Г.Алимова бошчилигидаги жиноий тўданинг ишини кўриб чиқиб, қуйидагича ҳукм

ҲАЛОЛЛИК — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Амир Темуру автошоҳбекати нозимхонаси биқинидаги йўл чипталари сотиладиган дўконча яқинида 7-автосбини қутиб туриб бехосдан икки кишининг мулозимат асосида ширингина баҳслашаётганлари эътиборимизни жалб этди:

— Тез беринг, автобус кетиб қолади, илтимос!

— Шошманг, бошқаси келади-ку!

— Йўлдан қўймасангиз-чи!

— Пулни нотўғри ҳисоблагансиз-да.

— Янглишим мумкин эмас, ахир ўзим...

— Бўлмаган гапни қўйинг, — деди катъийроқ қилиб каталакдек хона ичкаридан сўзлаётган киши. — Ошиқаверманг-да, ортиқча бериб юборган мана бу «беш юз»ингизни олинг. Буниси—ойлик чиптангиз.

— Шундай демаясизми! Сизга катта раҳмат! Яшанг!

Мамнун йўловчи дўконча тўнугидан йироқлашган, кўнглидаги гапни ичкарида ўтирган хотамтой инсонга изоҳ этиш учун яқинлашди.

— «Пулни кам бергансиз», дейётгандир» деб ўйловдим. Ростини айтсам, сизга қойил қолдим!

— Бу ҳолининг ажабланидиган ҳам, қойил қоладиган ҳам жойи йўқ!— деди жўнгина, бамайлихотир. — Тирбанд дарғоҳдаимиз. Биров уйига, бола-қакаси хузурига, бошқаси жамоат ва жамиятдаги иш ўрнига ошиқаётган бўлади...

Тушунарли. Ахир, давримизда тараққиёт шиддати вақт бирлиги билан ҳисоблашмай шитоб билан олға боряпти. Сўхбатдошим сўзида давом этди:

— Ойлик чипта олгани дарчадан пул узатишади. 200 сўмликни «юз» ё 500

сўмликни «икки юз» деб ўйлаб хато қилишади. Мен уларга англишни тузатишда ёрдам бераман. Ахир у ҳар бир сўм учун пешона тери тўкиб меҳнат қилган. Ўз ҳалол меҳнати самарасидан ўзи манфаат кўрсин, дейман-да...

— Сиз касб бўйича савдо ходими бўлмасангиз керак, менимча?

— Бу сафар топдингиз, — деди нимтабассум қилиб. — Мени нега шундай деб ўйладингиз?

— Савдогар фақат ўз фойдасига адашади, — мен ҳам ҳазилнамо жавоб қайтардим. — Кўзини шамғалат қилиб тўғрини ҳам нотўғри қилиб кўрсатади. Лоақал иримига юз сўм бўлсаям «етмаганга» чиқаради.

— Нима учун?

— Ўз фойдасини ўйлаб, албатта.

— Ке-чи-риб қўя-сиз! — аччиқланганини аширмади сўхбатдошим. — Сотувчи халқининг шаънига доғ туширманг.

— Сизга адашиб пул берадиганлар кўп бўладими?

— Қунига бир-икки нафари учраб туради.

— Кам берадиган ва талаб қиладиганлари-чи?

— Онда-сонда, — деди чиптачи ва гапга яқун ясагандай, — бирок турмушдаги баъзи қийинчиликларга қарамасдан кўпчилик одамларда инсоф-иймон тўқис. Ораларида шундай олижаноблари борки, уларнинг садағаси кетсанг

чиқарди:

Айбланувчи Г.Алимова муқаддам судланмаганлигини, ёлғиз ўзи ёш боласини тарбия қилишини, кекса ёшли ота-онаси мавжудлигини ҳисобга олиб беш йил муддатга озодлиқдан маҳрум этилди. Жазони умумий тартибли колонияда ўтатиш белгилаб қўйилди.

Жиноий гуруҳнинг иккинчи аъзоси — Ақром Рустамов, айбига тўла қирорлиги, қарамоғида бир нафар фарзанди борлиги, энг муҳими муқаддам Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармони асосида жазодан озод этилган бўлсада, тегишли хулосалар чиқармагани, яна жиёноят содир этгани ҳисобга олиниб, узил-кесил ўн бир йил муддатга озодлиқдан маҳрум этилди. Жазо умумий тартибли колонияда ўталади.

Жиноий тўданинг ишларига бевосита дахлдор яна икки айбланувчи — Қудрат Ҳимматов ва Учқун Турсуновлар билан боғлиқ жиёноий ҳаракат ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Суд ҳукми билан улар етти йил муддатга озодлиқдан маҳрум этилди.

Героинфуршлар билан боғлиқ жиёноят ишига дахлдор мақоламизга сўнги нуқтани кўяра эканмиз, мулоҳазага биров бўлса-да изн бериш фурсати етганлигини ҳис этдик. Зотан, дунё яралгандан бери бетафаккур қилинган сазй-ҳаракат ҳеч қачон ўзини оқламаган, оқламайди ҳам. Шу маънода Гулнора Алимованинг аёллик шаънига доғ бўлиб тушган қисмати кишини ўйлантиради. Эҳтимол, у ВИЖДОННИ кўргон, ҲАЁНИ қисмат, САДОҚАТНИ умр мазмуни деб билганида панжара ортига тушмаган, инсон учун энг олий неъмат бўлган — эркин яшадек ҳуқуқдан маҳрум этилмаган бўлармиди? Айнан ана шу фазилатларни ўзига дастуруламал деб билган оддий бир хизматкорнинг ёстиқдоши баднафс бойни мот қилган эмасмиди!?

**Саодат МИРСАҒАТОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар суди
судьяси.
Хидирали ПАНЖИЕВ,
журналист.**

арзийди!

— Мени эса сизга ҳавасим келади, танишайлик, — дедим ниҳоят.

— Қаҳрамон Қосимов бўламан. Оддий ўқитувчи — дурадгор.

Ота касбини давом эттириб, 24-қурилиш бошқармасида дурадгорлик қилдим. Пойтахт аҳолисини «зангори олов» билан таъминлашда ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссанин қўшдим.

Ҳа, «Йўловчи транс-сервис» фирмасида ишлаётган Қаҳрамон ўзининг оддий, камтарона вазиғасини ўтар экан, кўз ўнгимизда маънавий мафкурамизга ўз ҳиссасини қўшаётганига гувоҳимиз.

— Эл қатори яшаямиз, Аллоҳга шукрлар бўлсин. Меъданим ҳам, кўзимиз ҳам тўқ. Энг катта бойлигимиз— фарзандларимиз. Тўртта болам бор, — деди у гуруру билан сўзини давом эттириб.

Жўшқин ҳаётимизда оддий ўзбек оиласининг турмуш кўзгусига боқдик. Агар ҳар биримиз адолат мезонига асосланиб, фарзандларимизнинг ички дунёсига сергаклик билан қарасак, улуг аждодларимизга эҳтиромда бўлаемиз. Теран фикри, чукүр маъно мужассам бўлган мулоҳазалари ва гаплари уларнинг қанчалик маънавий бойликларга эга эканлигидан нишон.

Қалби булоқ сувидай покиза, камтарин ҳамшаҳримиз Қаҳрамоннинг оддий сўзларидаги самимият ва сехр, ишларидаги ҳалоллик ва меҳр бизга ёқиб тушди.

Бахтингиз баркамол бўлсин азизлар, дегимиз келади шундай одамларга!

Жўрабой ХОЛМАТОВ

Футбол

**«ПАХТАКОР»
— ЯРИМ
ФИНАЛДА**

КЕЧА «Пахтакор» марказий стадионига йирилган мухлислар Осиё чемпионлар лигаси чорак финалининг «Пахтакор» — «Ал Ваҳда» жамоалари ўртасидаги иккинчи учрашувнинг гувоҳига айланмишди.

Кизикарли, мурасасиз кечган беллашувда пахтакорчилар тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Бу ўз самарасини берди. 22-дақиқада Магдиевнинг бурчакдан оширган тўпини Солиев боши билан дарвозага жойлаб ҳисобни очди.

Худди шундай ҳолат 44-дақиқада яна такрорланди. Алиқулов томонидан баландлатиб узатилган тўпини Шишелов боши билан дарвозага аниқ йўллади. Ҳисоб 2:0.

Иккинчи бўлимнинг охириги беш дақиқасида Шишелов ва Кошелев киритган икки тўп учрашувнинг «Пахтакор»нинг 4:0 ҳисобидаги йирик ғалабаси билан яқунланишига имкон яратди. Шу тариқа пахтакорчилар Осиё чемпионлар лигаси ярим финалида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Осиё чемпионлар лигасининг ярим финал баҳслари 19-20 октябрь кунлари бўлиб ўтади.


Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Каратэ

**МУСОБАҚА
БОШЛАНИШИГА БАРЧА
НАРСА ТАХТ**



МАЪЛУМКИ, ЭРТАГА ШАҲРИМИЗДАГИ «ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРАТЭ МИЛЛИЙ ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАМДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ ХАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНАДИ.



Шуни таъкидлаш керакки, мусобақа олдида ўтказилиши режалаштирилган барча ишлар амалга ошириб бўлинди. Хусусан, ҳакамлар семинари яқунланиб, уларнинг барчаси имтиҳондан муваффақиятли ўтишди. Турнирни ёритувчи радио, телевидение ва газета-журналлар мухбирлари, сураткашлар аккредитациядан ўтказилди. Барча вилоятлардан Ўзбекистон Кубоги қатнашчилари келиб, дастлабки машғулотларни бош-

лаб юборишди.

Бундан ташқари Каратэ миллий федерациясининг ярим йиллик натижаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши ҳам ўтказилди. Унда Ўзбекистон Кубоги мусобақаларини ўтказиш, Ўзбекистонда каратэни ривожлантириш, халқроқ майдонларда юртимиз каратэси нуфузини янада ошириш юзасидан қилинадиган ишлар, вилоятларда жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида амалга оширилган

юмушлар сарҳисоби тўғрисида сўз борди. Ярим йиллик натижаларига кўра амалга оширилган ишлар қоникарли деб топилди.

Энди бевосита қатнашчилар рўйхатига назар ташлайдиган бўлсак, албатта турнирда энг кучли ўсмирларимиз куч синашади. Хусусан, Тошкент шаҳри жамоаси вакили Рустам Абдуллаев, Қашқадарёдан Нодир Хўжаев, Намангандан Рустамжон Рўзиев, Самарқандлик Сардор Назаров, Қора-



қалпоғистон Республикасидан Дониёр Кенжаев каби қатор нуфузли халқаро мусобақалар ғолиб ва совриндорлари бўлмиш ёш, умидли каратэчилар маҳоратидан ишқибозларимиз баҳраманд бўлишлари мумкин.

Мусобақалар эртага соат 7 да ўғил болалар ўртасида яқка тартибдаги ката баҳслари билан бошланади. Соат 10 да эса жамоавий ката баҳслари, 11 да 1986-1994 йилларда туғилган қизлар ўртасида яқка тартибдаги кумитэ баҳслари ўтказилади. Сўнг ўғил болалар ўртасида яқка тартибдаги кумитэ беллашувлари бўлиб ўтади.

25 сентябрда соат 11 да Ўзбекистон Кубогининг тантанали очилиш маросими ўтказилади.

26 сентябрда эса ўғил болалар ўртасида яқка тартибдаги кумитэ баҳслари ва жамоавий кумитэ беллашувлари орқали Ўзбекистон Кубоги мусобақалари ниҳоясига етади.

Биз барча каратэ мухлисларини мусобақанинг шиддатли ва бетакрор учрашувларидан баҳраманд бўлишга қаҳқирамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР !

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган:



- Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, 24 Закария Розий 1-тор кўчасида жойлашган, майдони 8730 кв. метр бўлган, «**Тикув цехи**». Бошланғич нархи - 450 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Кадишев кўчаси, 1-уйда жойлашган, майдони 1118 кв. метр бўлган «**Звезда Востока**» номли клуб биноси. Бошланғич нархи - 115 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 24-уйда жойлашган, қурилиш ҳажми 3701,4 куб. метр бўлган «**38 ўринлик мехмонхона**» қурилиши тугалланмаган биноси. Бошланғич нархи - 33 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 5-

- уйда жойлашган, майдони 6536,5 кв. метр бўлган, «**Сув спорти саройи**» қурилиши тугалланмаган биноси. Бошланғич нархи - 706 100 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 355-уйда жойлашган, «**Саломатлик санаторий-профилакторий**». Бошланғич нархи - 2 200 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, «Ғалабанинг 40 йиллиги» даҳаси, 1-мавзе, 26-уйда жойлашган, майдони 3029 кв. метр бўлган, «**27-сонли ётоқхона биноси**». Бошланғич нархи - 158 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Чигил кўчаси, 5а-уйда жойлашган, майдони 247 кв. метр бўлган, «**Болалар мак-**

- табгача таълим муассасаси собик бўлими биноси**». Бошланғич нархи - 9 100 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов-1а, 41-уйда жойлашган, майдони 3130 кв. метр бўлган, «**Восток**» мехмонхонаси биноси. Бошланғич нархи - 193 800 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Хасанова кўчаси, 15-уйда жойлашган, майдони 504,5 кв. метр бўлган, «**Соғломлаштириш маркази биноси**». Бошланғич нархи - 10 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Литейная кўчасида жойлашган, майдони 8670 кв. метр бўлган, «**қурилиши тугалланмаган корпус**». Бошланғич нархи - 163 300 000 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган, «Автомарк» ШХЖнинг, автомажмуа (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги, ҳар бирининг майдони 18 кв. метрга тенг бўлган савдо дўконлар сотилмоқда. Ҳар бир дўконнинг бошланғич нархи - 3 000 000 сўм.

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учув манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.
Телефон: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; Эл. почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар - 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми - 2 босма табоқ офсет усулини боғловчи
3812 нусхада босилган. Қўғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйсатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи - 563

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар
жойлардаги почта бўлиқларида ёки «Тошкент
почтамти»га - 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиш ва сақлаланади.

«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.